

A'ZAM HOMIDOVICH BOLTAEV

Bukhara State University
associate professor at the department
“Archeology and history of Bukhara”

+99899 702-31-15

azam.boltaev.2015@mail.ru

Uzbekistan

Received 1st December 2022, Accepted 5th December 2022, Online 12th December 2022

QUESTIONS OF THE HISTORY OF OUR COUNTRY IN THE SCIENTIFIC HERITAGE OF S.N. YURENEV

Abstract. In this article provides information about the country-scientist, who gave his 30-year life to the study of Bukhara S.N.Yurenev. His amazing lifestyle stems from the fact that he entertains all researchers. Information will be provided about the objects, books and other collections collected during their lifetime, in which institutions they will be stored at the present time, as well as what information is available on the history of Bukhara. You can also find out how well the country knew the country by introducing into scientific circulation the epistolary heritage stored in the regional archive of the country-scientist. The names of the hills listed in his field exploratory studies and the dedication of the country in preventing their violation are recognized separately. The scientific heritage of the scientist has not yet been fully established, and reports on his archaeological research and documents are waiting for their researcher.

Keywords: Kalon bobo, Minor bobo, letter, scientist, archaeologist, local historian, region, archive, museum, epistolary heritage, hill, monument, ceramics

ВОПРОСЫ ИСТОРИИ НАШЕЙ СТРАНЫ В НАУЧНОМ НАСЛЕДИИ С.Н. ЮРЕНЕВА

Аннотация. В данной статье представлена информация о стране-ученом, отдавшем свою 30-летнюю жизнь изучению Бухары С.Н.Юренине. Его удивительный образ жизни проистекает из того факта, что он развлекает всех исследователей. Будет предоставлена информация о предметах, книгах и других коллекциях, собранных при их жизни, в каких учреждениях они будут храниться в настоящее время, а также о том, какая информация доступна по истории Бухары. Вы также можете узнать, насколько хорошо страна знала страну, введя в научный оборот эпистолярное наследие, хранящееся в региональном архиве страны-ученого. Отдельно отмечают названия холмов, перечисленных в его полевых исследованиях, и самоотверженность страны в предотвращении их нарушения. Научное наследие ученого еще не полностью установлено, и отчеты о его археологических исследованиях и документы ждут своего исследователя.

Ключевые слова: Калон бобо, Минор бобо, письмо, ученый, археолог, краевед, область, архив, музей, эпистолярное наследие, холм, памятник, керамика.

С.Н. ЮРЕНЕВ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ЎЛКАМИЗ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада, Бухорони ўрганиш учун ўзининг 30 йиллик умрини бағшлаган ўлкашунос-олим С.Н.Юренив ҳақида маълумот берилади. Унинг ажабтовур ҳаёт тарзи барча тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Умри давомида йиғган ашёлар, китоблар ва бошқа коллекциялари ҳозирги вақтда қайси муассасаларда сақланиши ҳамда уларда Бухоро тарихига оид қандай маълумотлар борлиги ҳақида ахборот берилади. Шунингдек, ўлкашунос-олимнинг вилоят архивида сақланаётган эпистоляр меросини илмий муомалага киритиш орқали ўлкани нечоғлик яхши билганини эътироф этиш мумкин. У томонидан олиб борилган дала қидирув тадқиқотларида рўйхатга олинган тепаликларнинг номлари ва улар бузилишининг олдини олинишида ўлкашуноснинг фидойилиги алоҳида эътироф этилади. Олимнинг илмий мероси ҳали тўлиқ ўргинилмаган ва унинг археологик тадқиқот ҳисоботлари ҳамда ҳужжатлари ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

Калит сўзлар: Калон бобо, Минор бобо, мактуб, хат, олим, археолог, ўлкашунос, вилоят, архив, музей, эпистоляр мерос, тепалик, ёдгорлик, сопол буюмлар.

Кириш (Introduction)

Бухоро ўзининг тарихий ёдгорликлари ва археологик объектларининг кўплиги билан тадқиқотчиларни ўзига жалб қилиб келган. Бу ёдгорликларни ўрганишга бел боғлаган ўлкашунос-олимлардан бири Сергей Николаевич Юренивдир (С.Н.Юренив 1896 йил 30 май Лепесько уезди Витебск губерниясида давлат банки хизматчиси оиласида туғилади). У 30 йиллик умрини Бухорони тадқиқ қилишга, археологик экспедицияларда қатнашишга ва осори-атиқаларни асрашга бағишлади.

С.Н. Юренив ҳаётида ўзи яшаган давр мураккабликлари, машаққатлари, оғир-енгилликлари, паст-баландликлари ўз аксини топди. Коммунистик режим талабларига мувофиқ келмаган ҳаёт тарзи ҳамда унга қўйилган ноўрин айблар унинг Россияда яшашини тақозо этмасди. Шу боис у ўтган асрнинг 50-йилларида ўзи севган тарихий шаҳар – Бухорога келиб қолади ва умрининг қолган қисмини шаҳардаги XVI асрга оид Модарихон мадрасасининг икки ҳужрасида ўтказди [8. 8]. Бирида ўзи яшаган бўлса, иккинчисида йиққан нодир тарихий буюмларини сақлади. Унинг “Бухоро дунёдаги энг яхши шаҳар, менинг ҳужрам эса Бухородаги энг яхши хонадир”, – деган сўзларида бу ўлкага бўлган муҳаббати ўз ифодасини топди. Бухороликлар С.Н. Юренивни бўйи баста ва узунлигига нисбат бериб - “Минор бобо”, “Калон бобо” деб атадилар. Ушбу тахаллуснинг бошқа маъноси Минораи Калондек улуғворликни ифода этган. Бухоро кўчаларида, меъморий обидалар олдида С.Н. Юренивни кўрган кексалар ҳозир ҳам ҳаёт ва улар бу инсоннинг ўша даврдаги ажабтовур ва зоҳидона ҳаёт тарзини яхши эслашади.

С.Н. Юренев 1952 – 1963 йиллар мобайнида Карманадаги Работи Малик карвонсаройи, Қосим шайх хонақоси, Бухородаги Ёрмухаммад оталиқ, Файзобод, Мир Араб, Кўкалдош мадрасалари, Масжиди Калон, Чорбакр меъморий мажмуаси, Абдуллахон тими, Буёнқулихон мақбараси, Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси, Самарқанддаги Гўри Амир, Шердор, Муҳаммад Султон, Бибиҳоним ва Хивадаги XIII асрга оид Шайх Мухтор-Вали (1957 йилда тошкентлик архитектор С.Д.Штанге билан биргаликда) ёдгорликлариди тадқиқот ишларини олиб борди. Ўлкашунос олим ҳар бир ўрганилган ёдгорлик ҳисоботини СНРПМ (Специальная научно-реставрационная производственная мастерская – Махсус илмий таъмирлаш ва ишлаб чиқариш устахонаси) ташкилотига топширарди. Шу давр ичида 250 та археологик ёдгорликларни рўйхатга олди. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан колхоз ва совхозлар ҳудудида жойлашган 26 та археологик объект Ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрига ўтказилиб, вайрон этилиш ва экин майдонига айлантирилиш хавфидан сақлаб қолинди. Диққатга сазовор томони, С.Н.Юренев Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликларини ўрганиш билан чекланиб қолмади. У 1954 – 1955 йилда археолог В. Сарияниди билан Қадимги Марвда (Туркменистон), 1955 йилда археолог В.М. Массон раҳбарлигидаги 16-жанубий Туркменистон археологик экспедиция гуруҳи билан Яз-тепада, 1957 йил июнида Б.Н.Засипкин билан бирга Остонада (Қозғистон) ва Қорақалпоғистондаги Оролбўйи ёдгорликларини текшириш ишларида ҳам иштирок этади.

Булардан ташқари, археологияда ўзини соҳа ривожидан бир оз орқада қолаётгандек ҳис қилган С.Н. Юренев тадқиқотларининг натижасини эълон қилишдан ийманган. Унинг “К вопросу о датировке мечети Калян” (“Масжиди Калоннинг қурилган йили масаласига доир”) номли иши қўлёзма ҳолича қолиб кетган. Бу тадқиқот иши Бухоро давлат музей қўриқхонаси Хужжатлар фондининг *инв. №11447/7* рақами билан сақланмоқда. Унда Масжиди Калоннинг қўрилиш тарихи, унинг ўрнида дастлаб нима бўлганлиги, неча марта қайта қурилганлиги ва неча асрлардан буён бундай улуғворлик касб этиб турганлиги ҳақидаги маълумотлар акс этган. С.Н. Юренев бу Масжиди Калонда 1952 йилдан бошлаб, то 1960 йилгача тадқиқот ишларини олиб борди ва қурилиш санасини аниқлашга ҳаракат қилди [7. 45-53]. Шунингдек, Мир Араб (*инв. №11420/7*) ва Абдуллахон мадрасалари (*инв. №11447/7*) ҳисоботи, Тоқи телпақфурўшон (*инв. №11418/7*) ҳамда Файзобод (*инв. №11430/7*) ва Сайфиддин Бохарзий хонақоси (*инв. №11419/7*) ҳисоботлари ва бошқа шу турдаги материаллар Бухоро ўлкашунослик музейида сақланмоқда.

Археологик тадқиқотлар билан бирга С.Н. Юренев ўлкадаги тепаликларни ҳам текширади. У Бухоро шаҳри атрофидаги тепаликлардан ташқари Ғиждувон, Пешку, Шофиркон ва Когон туманларидаги жами 28 та тепаликни шахсан ўзи бориб текширган ва уларни ўрганган. Ўша давр қийинчиликларига қарамай уларни асраб қолиш, пахта майдонларига айлантирилишининг олдини олиш чораларини кўрди. Тепаликларнинг аксариятини маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитети рўйхатига киритди. Бу хужжатлар ҳозирги кунда музейнинг хужжатлар бўлимида *инв. №11453/7* рақами остида сақланмоқда.

Бухоро вилоят давлат архивидаги изланишларимиз натижасида мазкур архивда 1232 рақам остида С.Н. Юренев фонди сақланилаётганлиги аниқланди. Фондда икки юзга яқин

йиғма жилдларда тўрт ярим мингдан ортиқ хатлар сақланмоқда. Олим номига йўлланган мактублар алоҳида папкага жойлаштирилган. Агар О.Юренева ва Р.Юрениевларнинг (О.Юренева ва Р.Юрениев-ўхшаш фамилияларга қараганда С.Н.Юрениевнинг қаришдошлари бўлиши керак) олим номига йўллаган хатлари ўн жилддан (хужжат 190-199 гача) иборат бўлса, археолог А.К. Смирновдан келган хатлар олти жилдни (хужжат 138-143 гача) ташкил этади [6. 5-9].

О.Юренева ва Р.Юрениевдан келган хатлар асосан оилавий ва ижтимоий-маиший ҳамда табрикнома мазмунига эга. А.К. Смирновдан келган хатларнинг катта қисми эса илмий изланишлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Олти жилддан иборат ушбу мактублар 1957-1964 йиллар оралиғида ёзилган. Жумладан, мактуб жамланмасининг биринчи жилдида 1957-1959 йилларда ёзилган 139 та хат мавжуд. Мактубларни ўрганиш жараёнида, А.К.Смирновнинг 1958 йили Намангандаги Ахсикент ёдгорлигида олиб борган тадқиқот ишлари тўғрисида С.Н.Юрениевга маълумот юбориб у билан маслаҳатлашгани ва ёдгорликдан топилган сопол буюмларнинг суратларини чизиб юборганини кўрсатди [1. 10-15]. Иккинчи жилддан ўрин эгаллаган хатларда А.К.Смирновнинг 1960 йил январь-февраль ойларида Термиз ҳамда Қаршида амалга оширган археологик текшириш ишлари ҳақида маълумотлар мавжуд [1. 33-38]. Учинчи ва олтинчи жилдлар 1961-1964 йиллар орлиғида олиб борилган археологик текшириш ишлари тўғрисидаги 109 varaқдан иборат мактублардан ташкил топган [2. 10].

С.Н. Юрениев фондларидаги мактубларни тадқиқ этиш жараёнида олимнинг ўз давридаги машҳур археолог ва ўлкашунос В.А.Шишкин билан ҳам ўзаро ёзишмалар олиб борганлиги маълум бўлди. Мактубларнинг матни билан танишиш жараёнида икки олим археологик изланишлар олиб бориш, топилмаларни ўрганиш ҳамда улар асосида илгари сурилган илмий хулосалар тўғрисида фикр алмашилганлиги аниқланди. Мактуб матнини тадқиқ этиш жараёнида С.Н. Юрениев сопол буюмларни ўрганиш масаласида ҳам В.А.Шишкин билан маслаҳатлашгани маълум бўлди. Бунга мактубдаги қуйидаги жумлалар мисол бўла олади “Сиз қизиқаятган яна бир соҳа, яъни майда сопол бўлақларини тадқиқ қилиши иши ҳам анча мураккаб. Бухорода кичик сопол бўлақларини йиғиш ва ўрганиш соҳаси анча билим ва диққатни талаб қилади...”.

Сўнгра В.А.Шишкин ўз мактубида бу йўналишда кам тадқиқот олиб борилаётганлигини билдириб, қуйидаги фикрларни ҳам баён этади. “Сопол бўлақчаларини ўрганиш эски шаҳарлар ҳақидаги аниқ ва қимматли маълумотларни беради. Бу соҳа катта қизиқишларга сабаб бўлади ҳамда улардан ажойиб коллекцияни яратиши мумкин. Ҳозирча ҳали ҳеч ким бу соҳа билан жиддий шугулланмаган. Мен хато қилмасдан айтишим мумкинки, воҳадаги Вардонзе қўргони-кулолчилик соҳасида асосий марказ, Фиждувон унча ҳам машҳур бўлмаса-да, қадимий кулолчилик маркази...” [3. 2]. Мактуб якунида В.А.Шишкин йил охирида Варахшада қазиш ишлари режалаштирилганини ва С.Н. Юрениев билан албатта учрашишини ёзади.

Архив хужжатлари орасида С.Юрениев номига Ўрта Осиёда археологик тадқиқот олиб борган олимлар томонидан маслаҳат ва ёрдам сўраб йўлланган бир гуруҳ хатлар борлиги аниқланди. Шулардан бири бу Г.Чабров томонидан 1963 йил 20 апрелда йўллаган

мактубдир[4. 8-9]. Унда Г.Чабров “Инқилобгача Туркистонда рус шаҳарлари тарихидан очерклар” номли монографиясини ёзиш учун С.Юрениевдан Масжиди Калон ичидаги афсонавий “Пиёла-и Рустам” тарихи ҳақида маълумот беришни илтимос қилади.

Бухоро вилоят давлат архивида мавжуд С.Юрениев фондидаги тарихий ҳужжат(мактуб)лар XX аср 50-60 йилларида Бухоро воҳасини ўрганиш жараёнлари тарихини тадқиқ этишда муҳим манба вазифасини бажаради.

Шунингдек, ўлкашунос коллекциясида Бухоро вилояти археологик ёдгорликлари фотосуратлари, архивида эса яқинлари, дўстлари, олимлар ва турли шахслардан келган хатлар мавжудлиги ҳам аниқланди. С.Н. Юрениев васиятномасида унинг бой кутубхонасини Бухоро педагогика институтига топшириш кераклиги, агар институт қабул қилмаса, вилоят ўлкашунослик музейи ихтиёрига ўтказиш зарурлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилади.

Бухоро вилоят архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, С.Н.Юрениевнинг қуйидаги ашёлар коллекцияси Бухоро ўлкашунослик музейига топширилган:

– Ўрта Осиё халқларининг тарихи, археологияси, санъати ва этнографиясига доир 131 дона китоб;

- Бухоро вилоят усталарининг совға ёзувига эга 24 дона кулолчилик буюми;
- 30 дан ортиқ археологик кундалик ва ҳисоботлар;
- археология, архитектура ва санъат соҳасига оид мингдан ортиқ фотосурат;
- Бухоро шаҳридаги археологик ёдгорликларда қазув ва таъмирлаш ишлари кетаётган пайтда топилган бир неча минг сопол бўлаклари.

Ушбу материаллар музей харид хайъатининг баённомаси ва далолатномалари билан қабул қилинган[5. 18-17].

Айни пайтда ўлкашунос олимнинг чинни, мис, ёғочдан тайёрланган буюмлари, уй-рўзгор анжомлари тўпланмаси ўлкашунослик музейининг жамланмаларида сақланмоқда.

Хулоса (Conclusion)

Хулоса қилиб айтганда, Бухорони ўз она шаҳридай севиб, уни ўрганган С.Н.Юрениев археология соҳаси билан жиддий шуғулланганини ва бу соҳада етарли даражадаги ютуқларга эришганини кўриш мумкин. Совет даврида ҳукмрон мафкура сиёсатидан кўркмасдан тепаликларни бузишга йўл қўймагани бу бир жасорат. Мақтубларни ўрганиш натижасида, олимнинг амалга оширган тадқиқотлари ва воҳа тарихига оид қўлга киритган қизиқарли маълумотларига илмий жамоатчилик муносабат билдирганини кўришимиз мумкин. Унинг бу ишлари XX аср 50-60 йилларида воҳа тарихини ўрганишда етакчи олимлардан бири бўлганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар (Reference):

1. Бухоро вилоят давлат архиви. 1232-фонд.1-рўйхат.138-хужжат. 10-15- варақлар.
2. Бухоро вилоят давлат архиви. 1232-фонд. 1-рўйхат.143-хужжат. 10-109-варақлар.
3. Бухоро вилоят давлат архиви. 1232-фонд. 1-рўйхат.183-хужжат. 2- варақ.
4. Бухоро вилоят давлат архиви. 1232-фонд. 1-рўйхат.178-хужжат. 8-9 варақлар.
5. Бухоро вилоят давлат архиви, 1175-жамланма, 1-рўйхат, 135-йиғма жилд, 141-варақ; 150-йиғма жилд, 17-18-варақлар.
6. Болтаев А.Ҳ. Бухоро ўлкашунослиги тарихини ўрганишда С.Н.Юренив ёзишмаларининг ўрни // ЎзМу хабарлари. Тошкент. 2018 йил. № 1. – Б.5-9
7. Болтаев А.Ҳ. XX аср 50–60-йилларида Бухородаги Масжиди Калоннинг археологик ўрганилиши (С.Н. Юренив ҳисоботлари асосида)// “O‘zbekiston tarixi”. 2020 йил №1, - Б. 86-99.
8. Сергей Николаевич Юренив. Составитель Б.Я.Ставиский. – Бухарский музей, 1996. – С. 8.
9. Rasulova D. B. Issues of study of Central Asia in the French historiography of the XIX century //International Journal of Intellectual Cultural Heritage. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 79-90.